

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ  
ҚИСКАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ  
ТАДҚИКОТЛАР ИНСТИТУТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Прогнозлаштириш ва  
макроиқтисодий тадқиқотлар  
институти директор ўринбосари



Ахмедов Т.М.

2022 йил

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги ОАК раиси,



А. Юсупов

2022 йил

08.00.02 – “Макроиқтисодиёт”  
иқтисоелиги бўйича малакавий имтиҳон

ДАСТУРИ

ТОШКЕНТ – 2022

Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси Раёсатининг  
2022 йил “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ сонли қарори билан тасдиқланган

08.00.02- “Макроиктисодиёт” ихтисослиги бўйича илмий даражаларга талабгорлар учун малакавий имтиҳон дастури 2022 йил 19 январдаги Илмий кенгаш йиғилишида муҳокама қилинди. (Баённома №1)

Тузувчилар: и.ф.д.проф. Ахмедов Т.М.  
фан доктори (DSc) Сайдалиев Х.А.

## Кириш

Давлат иқтисодий сиёсатининг назарий асослари сифатида тан олинадиган фанлар қаторида “Макроиқтисодиёт” фани алоҳида ўрин тутди.

Ялпи ишлаб чиқариш (реал сектор), ташқи иқтисодий алоқалар (ташқи сектор), фискал (бюджет-солиқ сектори) ва монетар (пул-кредит сектори) сиёсатда узвийлик ва мувозанатни таъминлаш нуқтаи назаридан мамлакат иқтисодиётини бир бутун ҳолда тадқиқ қилиш ва уни макроиқтисодий тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини ўрганиш “Макроиқтисодиёт” фанининг предметини ташкил этади.

Дастур 08.00.02 – “Макроиқтисодиёт” ихтисослиги паспортига тегишли бўлган барча масалаларни ўз ичига қамраб олади.

Ушбу дастур 08.00.02 – “Макроиқтисодиёт” ихтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасига талабгор катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчилар институти учун мўлжалланган.

### **“Макроиқтисодиёт” фанига кириш.**

Дастлабки макроиқтисодий таҳлил элементлари: ”Кенэ жадвали”, В. Леонтьевнинг тармоқлараро баланси. Иқтисодиётга давлат аралашувининг зарурлиги. Кейнс назариясининг моҳияти. Асосий макроиқтисодий муаммолар. Уй хўжаликлари, фирмалар, давлат ва ташқи дунё макроиқтисодиёт субъектлари сифатида. Ёпиқ ва очик иқтисодиёт. Макроиқтисодиёт усуллари. Агрегатлашнинг афзалликлари ва камчиликлари. Макроиқтисодий моделлар. Эндоген ва экзоген ўзгарувчилар. Макроиқтисодиётнинг иқтисодиёт соҳасидаги бошқа фанлар билан алоқадорлиги. Макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт. Доиравий айланиш модели. “Даромадлар-харажатлар” ва “ресурслар-маҳсулотлар” оқими. Қарама-қарши оқимлар ўртасидаги тенгликнинг бузилиши сабаблари. Макроиқтисодиёт субъектларининг ўзаро алоқалари, мақсад ва функциялари. “Оқимдан четга чиқиш” ва “четдан оқимга қўшилиш”лар. Макроиқтисодий сиёсат кўринишлари.

### **Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва миллий ҳисоблар тизими.**

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) кўрсаткичининг моҳияти. Иқтисодий ҳудуд. Резидент. Оралиқ ҳамда якуний товарлар ва хизматлар. Бозор баҳолари. ЯИМни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усули. Қўшилган қиймат, бир қийматни икки бор ҳисобга олишни истисно этиш. ЯИМни харажатлар бўйича ҳисоблаш. Шахсий истеъмол харажатлари. Ялпи инвестициялар. Товарлар ва хизматларнинг давлат хариди. Соф экспорт. Ўзбекистон Республикасида ЯИМнинг ишлаб чиқариш ҳамда якуний истеъмолга кўра таркиби. ЯИМни даромадлар бўйича ҳисоблаш. Бошланғич даромадларнинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши. Ялпи миллий даромад. Соф миллий даромад. Шахсий даромад. Истеъмол. Жамғариш. Ялпи миллий тасарруфдаги даромад. Асосий макроиқтисодий айниятлар. Даромадлар ва харажатлар тенглиги. Инвестициялар ва жамғармалар тенглиги. Хусусий, давлат ва ташқи дунё жамғармалари. Номинал ва реал ЯИМ. Баҳолар индекслари. ЯИМ дефлятори (Пааше индекси). Истеъмол нархлари индекси (ИНИ). Фишер индекси. ЯИМни ҳисоблашдаги қийинчиликлар. Хуфёна иқтисодиёт.

Миллий ҳисоблар тушунчаси. Соф ички маҳсулот. Миллий даромад. Тасарруфдаги даромад ёки шахсий тасарруфдаги даромад. ЯИМ ва “соф иқтисодий фаравонлик”. Макроиқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва прогнозлаш назарияси, илмий мактаблари ва амалиёти. Макроиқтисодий тенденцияларни ва миллий иқтисодиёт таркибини миллий ҳисоблаш тизими, тармоқлараро бланс ва

иктисодий-математик моделлар тизими сифатида энг илғор воситалардан фойдаланган ҳолда баҳолаш методикаси ва амалиёти.

### **Макроиктисодий беқарорлик. Бозор иқтисодиётининг даврий ривожланиши. Ишсизлик.**

Иқтисодий даврларнинг моҳияти. Иқтисодий тебранишларнинг сабаблари: Илмий техника тараққиёти. Сиёсий ҳодисалар. Жаҳон бозорида энергоресурслар нархларининг ўзгариши. Табиат ҳодисалари. Талаб ва таклиф ўртасидаги нисбат. Ялпи харажатлардаги ўзгаришлар. Иқтисодий даврларнинг босқичлари ва уларнинг тавсифи. Иқтисодий тебранишларнинг турли тармоқларга таъсири. Иқтисодий тебранишларнинг ҳозирги кундаги хусусиятлари. Молиявий-иктисодий инқирозлар. Даврий тебранишларнинг тарқалиш механизми: мультипликатор-акселератор эффекти. Капитал сиғими коэффициенти. Акселератор эффекти. Мультипликатор-акселератор моҳияти.

Ишсизлик тушунчаси. Иш билан бандлар ва ишсизлар. Ишсизликнинг неоклассик ва кейнсча концепциялари. А. Пигунинг неоклассик концепцияси. Реал иш ҳақи, иш кучи таклифи ва унга талаб. Ишсизликнинг кейнсча концепцияси. Мажбурий ишсизлик. Бандлилик мультипликатори. Ишсизлик турлари ва иш билан тўла бандлик. Ишсизликнинг ҳақиқий ва табиий даражаси. Потенциал ва ҳақиқий ЯИМ. Ишсизликнинг иқтисодий оқибатлари. Оукен қонуни. Ишсизликнинг ижтимоий оқибатлари. Даврий ишсизлик. Макроиктисодий беқарорлик ва ишсизлик.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш борасида жорий ва истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилган вазифалар. Иқтисодий дарвларни тартибга солишда давлатнинг роли. Мамлакатнинг иқтисодий турғунлик сиёсати. Иқтисодий тебранишларга бозорлардаги монопол тузилмалар, давлатнинг тартибга солувчилик роли, илмий техника тараққиёти ва ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви таъсири. Стратегик режалаштиришнинг методологияси ва методикаси ҳамда уларнинг мумкин бўлган сценарийлари, миллий иқтисодиётни ривожлантириш вариантлари.

### **Инфляция ва аксилинфляция сиёсати.**

Инфляция: моҳияти, ҳисобланиши ва турлари. Инфляция суръати. Инфляциянинг сабаблари, пулнинг миқдорий назарияси. Пул массасининг кўпайиши. Пулнинг айланиш тезлиги ортиши. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайиши. Иқтисодиётдаги монополизм даражаси. Давлат харажатлари. Инфляцион солиқ. Инфляциянинг суръатларига кўра турлари. Талаб инфляцияси: моҳияти ва модели. Инфляцион кутилмалар. Инфляциянинг критик нуқтаси. Харажатлар инфляцияси: моҳияти ва модели. Фирмалар монополизми ва касаба уюшмалари монополизми. Хомашё ва энергия баҳоларининг ўсиши. Талаб ва таклиф инфляциясининг кўшилиши модели. Инфляцион спирал. Очиқ ва босиб турилган инфляция. Бозор механизми деформацияси. Баҳо сигналларининг бузилиши.

Кутилган ва кутилмаган инфляция. Инфляция ва фоиз ставкалари. Фишер самараси. Инфляциянинг ижтимоий оқибатлари. Инфляция ва ишсизлик. Филлипс эгри чизиғи. Инфляция суръати ва ишсизлик даражаси ўртасидаги оптимал мутаносиблик. Аксилинфляция сиёсатининг моҳияти, воситалари. “Қарахт қилиб даволаш” ва градуализм. Адаптация сёсати. Баҳолар ва даромадлар сиёсати. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги инфляция жараёнлари ва

аксилинфляция сиёсати хусусиятлари. Бозорни бошқариш механизмларига ўтиш шароитида инфляция жараёнларини тартибга солиш амалиёти.

### **Ялпи талаб – ялпи таклиф модели**

Ялпи талаб тушунчаси. AD эгри чизиғи. Баҳо омиллари. Фоиз ставкаси самараси. Бойлик самараси ва импорт харидлари самараси. AD эгри чизиғи траекторияси. Пулнинг миқдорий назарияси. Баҳолар даражаси ва ялпи талаб ўртасидаги тесқари боғлиқлик. Баҳодан бошқа омилларнинг ялпи талабга таъсири. Истеъмол харажатларидаги, инвестиция харажатларидаги, давлат харажатларидаги ва соф экспортдаги ўзгаришлар. Ялпи таклиф тушунчаси ва эгри чизиғи. Ресурслар баҳоснинг ўзгариши. Унумдорликнинг ўзгариши. Солиқларнинг ўзгариши. Ялпи таклифдаги ўзгаришлар. Ялпи таклифнинг классик модели. Номинал катталикларнинг ўзгарувчанлиги. Реал катталикларнинг қатъийлиги. Баҳолар ўзгаришининг меҳнат бозорига таъсири. AS эгри чизиғининг вертикалиги. AS эгри чизиғининг ишлаб чиқариш омиллари ва технологиялар таъсирида силжиши. Ялпи таклифнинг кейнсча модели. Номинал катталикларнинг нисбатан қатъийлиги. Реал катталикларнинг нисбатан ўзгарувчанлиги. Ялпи талаб таъсирида ялпи таклиф эгри чизиғидаги силжишлар. Баҳоларнинг мувозанатли даражаси. Ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми. Умумий мувозанат тушунчаси. Вальраснинг умумий мувозанат тенгламаси. AD-AS моделида мувозанатнинг таъминланиши механизми. Талаб шоклари. Таклиф шоклари. Ялпи таклиф ўзгаришининг оқибатлари. Барқарорлаштириш сиёсати. Пул таклифи ва давлат харажатларининг ўзгартирилиши.

### **Истеъмол, жамғариш ва инвестиция функциялари.**

Ялпи талаб компонентлари орасида истеъмолнинг ўрни. Истеъмол функциясининг алгебрик ва график кўриниши. “Асосий психологик қонун”. Автоном истеъмол. Даромад (шахсий тасарруфдаги даромад) ва истеъмол ўртасидаги ўзаро боғлиқлик. Жамғариш функцияси ва графиги. Фоиз ставкаси ва жамғариш. Хусусий, давлат ва ташқи дунё жамғармалари. Истеъмолга (APC) ва жамғаришга ўртача мойиллик (APS). Истеъмолга (MPC) ҳамда жамғаришга (MPS) чегаравий мойиллик. “Кузнец топишмоғи». “Перманент даромад” концепцияси. “Ҳаёт даври” концепцияси. Ўзбекистон Республикасида истеъмол ва жамғариш жараёнлари хусусиятлари.

Инвестиция товарларига талабнинг ялпи талабдаги ўрни. Автоном инвестициялар. Фоиз ставкаси. Кутилаётган соф фойда нормаси. Тобин коэффиценти. Инвестицияларга талаб функцияси. Инвестициялар динамикасини белгиловчи бошқа омиллар. Акселератор модели. Тўлиқ инвестиция функцияси. Инвестициялашга чегаравий мойиллик. Инвестицияларнинг беқарорлигини белгиловчи омиллар. Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари. Миллий иқтисодий тартибга солишнинг инвестициявий жихатлари ва амалий асосларни ривожлантириш

### **Кейнснинг товарлар ва хизматлар бозорида макроиқтисодий мувозанат модели.**

Кейнснинг макроиқтисодий мувозанат назарияси. Бозор механизми томонидан ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанати таъминланишининг доимий эмаслиги. Инвестициялаш ва жамғариш режаларининг турлича эканлиги.

“Даромадлар - харажатлар” модели – Кейнс хочи. Ҳақиқий ва режалаштирилган харажатлар. Моделни тузишдаги асосий шартлар. Соф экспорт функцияси. Импортга чегаравий мойиллик. Моделда макроиқтисодий мувозанатга

эришиш механизми. Товар моддий захираларининг режалаштирилмаган ўзгаришлари. Ҳақиқий инвестициялар ва режалаштирилган инвестициялар тенглиги. Захираларнинг ўзгариши. Автоном харажатлар динамикаси ва унинг таъсирида мувозанатли ЯИМ ҳажмининг ўзгариши. Мультипликатор самараси. Автоном харажатларнинг мультипликацияси механизми. Истеъмолга чегаравий мойиллик ва мультипликация самараси. Мультипликатор формуласи. Рецессия ва инфляцияга хос узилиш. Тежамкорлик парадокси (таажжуби). Жамғармалар оширилишининг истеъмол ва ялпи талаб ҳажмларига таъсири.

### **Пулга талаб функцияси**

Пул тушунчаси ва функциялари. Пулнинг ликвидлилиги. Пул агрегатлари: M1, M2, M3, L, “квази пуллар”. Пулга бўлган талабга монетарча ёндошув. Пулнинг миқдорий назарияси. Алмашинув тенгламаси. Фишер ва Кембриж тенгламалари. Пулнинг айланиш тезлиги. Баҳолар даражаси, реал ЯИМ ҳажми ва пулга талаб. Пулга бўлган реал талаб. “Пул маблағларининг реал захираси”. Пулга талабнинг кейнсча назарияси - ликвидликни афзал кўриш назарияси. Битимлар учун, эҳтиёткорлик шарти билан ва мулк сифатида пулга (спекулятив) талаб. Пулни сақлашнинг муқобил қиймати. Бауман-Толбин модели. Давр мобайнидаги харидлар суммаси. Пул даромадларини олиш даврийлиги. Пулга спекулятив талаб ва қимматли қоғозлар даромадлиги даражаси ўртасидаги тескари боғлиқлик. Пулга бўлган талаб функцияси. Пулга бўлган талаб эгри чизиғи графиги. Фишер самараси. Номинал фоиз ставкаси ва пулга бўлган талаб. Пулга талабга портфелли ёндошув. Активлар портфелининг таркиби, унда нақд пулнинг улуши. Жамғарилган бойлик ҳажми ва пулга талаб.

### **Пул таклифи. Пул бозорида мувозанат**

Пул таклифи. Нақд пуллар ва депозитлар. Тижорат банклари томонидан “пул массасининг яратилиши”. Кредит мультипликацияси. Депозитларни мажбурий захираш нормаси. Мажбурий ва ортикча захиралар. Банк мультипликатори. Пул таклифининг қисқартирилган модели. Пулларнинг депозитлардан нақд пулларга оқиб ўтиши, депонентлаш коэффиценти. Пул базаси. Пул мультипликатори. Пул таклифининг кенгайтирилган модели. Марказий Банк томонидан пул таклифини назорат қилиш ва тартибга солиш воситалари. Назорат қилиш имкониятларини чекловчи омиллар. Пул таклифи. Баҳолар даражаси қайд қилинган ва даромадларнинг белгиланган даражаси шароитда пул бозорида қисқа муддати мувозанат. Фоиз ставкаси ва пул массасининг мувозанатли даражалари ўзгаришига даромадлар даражаси ва пул таклифи ўзгаришининг таъсири. Пулнинг ликвидлилиги эгри чизиғи (LM)- Хансен модели. Кейнсча пул сиёсатининг моҳияти. Ликвидлик тузоғи. Ликвидлик тузоғи шароитида пул сиёсатининг самарасизлиги. Пул бозорида узоқ муддатли мувозанат. Пул массасининг кўпайиши ва ялпи таклифнинг ошиши, реал касса қолдиқлари самараси, М. Фридменнинг монетар қондаси. Пул таклифи, миллий даромад ва кутилаётган инфляциянинг узоқ муддатли ўсиш суръатлари.

### **Давлат бюджети. Солиқлар.**

Давлат бюджетининг моҳияти, таркиби ва функциялари. Даромадларни қайта тақсимлаш. Иқтисодий давлат томонидан тартибга солиш ва рағбатлантириш. Фан-техника тараққиётини рағбатлантириш. Ижтимоий сиёсатни молиявий таъминлаш. Пул маблағларининг марказлашган фондларини ташкил этиш ва фойдаланилиши устидан назорат. Давлат бюджети даромади. Давлат нобюджет фондлари. Консолидациялашган бюджет. Маҳаллий бюджетлар. Солиқлар.

Нобюджет тўловлари. Солиқларнинг турлари, функциялари. Давлат бюджети даромадларининг солиқлар турлари бўйича таркиби. Солиқ сиёсати. Солиққа тортиш мезонлари. Адолатлилик. Самарадорлилик. Тўловга қодирлилик. Солиқ юки. Лаффер эгри чизиғи. Чегаравий солиқ ставкаси. Давлат бюджети харажатлари. Давлатнинг иқтисодиётда иштироки даражаси. Вагнер қонуни. Неъматларни истеъмол қилиш жараёнидаги ташқи самаралар. Ижобий ва салбий самаралар. Бюджет тақчиллиги. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари таркиби.

### **Бюджет-солиқ сиёсати**

Бюджет-солиқ (фискал) сиёсати: моҳияти, мақсадлари, воситалари. Рағбатлантирувчи ва чекловчи фискал сиёсат. Ёпиқ ва очик иқтисодиётда давлат харажатлари мультипликатори. Солиқ мультипликатори. Солиқ мультипликацияси механизми. Баланслашган бюджет мультипликатори. Солиқларни камайтирилиши самараси ва давлат харажатларини оширилиши самараси. Дискрет фискал сиёсат. Давлат бюджети тақчиллиги ва профицити. Нодискрет фискал сиёсат. Автоматик барқарорлаштиргичлар. Прогрессив солиқ тизими. Давлат трансфертлари тизими. Даврий тақчиллик ва даврий профицит. Давлат бюджетининг таркибий тақчиллиги. Таркибий профицит. Тақчилликни молиялаш услулари. Тақчилликни монетлаштириш ва Оливер-Танзи самараси. Давлат облигацияларини чиқариш ва сиқиб чиқиш самараси. Давлат қарзи. Ички ва ташқи қарз. Давлат қарзи ўсишининг иқтисодий оқибатлари: капитал захираларининг камайиши, даромадлар миқдоридagi тенгсизлик, иқтисодий рағбатларнинг заифлашуви, фоиз ставкасининг кўтарилиши ва мамлакат ишлаб чиқариш потенциалининг пасайиши. Ўзбекистон Республикаси бюджет-солиқ сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари.

### **Банк тизими. Пул-кредит сиёсати**

Банк тизимининг таркиби. Марказий банк ва тижорат банкларининг функциялари. Банкларнинг асосий операциялари ва бозор иқтисодиётидаги роли. Пул-кредит сиёсатининг моҳияти, пировард мақсадлари ва оралик мўлжаллар. Мажбурий заҳира меъёри (нормаси). Ҳисоб ставкаси (қайта молиялаш ставкаси). Очик бозордаги операциялар. Қайта сотиб олиш тўғрисида келишув (РЕПО). Қатъий ва юмшоқ пул-кредит сиёсати. Пул-кредит сиёсатининг таъсирини ишлаб чиқариш ҳажмига етказиш механизми. Етказиш механизмидаги бузилишлар, сабаблари ва оқибатлари. ЯИМнинг ўсиши ва пул-кредит сиёсати. Пул-кредит сиёсатининг кўзда тутилмаган салбий самаралари. Пул-кредит ва бюджет-солиқ сиёсатини мувофиқлаштириш муаммолари, сиқиб чиқариш самараси. Ўзбекистон Республикасида банк тизими барқарорлигини ошириш ва пул-кредит сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.

### **IS-LM модели**

Хикс-Хансен моделининг моҳияти. Ивестиция товарларига талабнинг ўзига хос хусусиятлари, самарали талаб. Моделнинг асосий ўзгарувчилари ва тенгламалари. Товарлар бозоридаги мувозанат. IS эгри чизиғи. IS эгри чизиғининг ётиқлиги. IS эгри чизиғининг тенгламаси. IS эгри чизиғи силжишларини белгиловчи омиллар.

Пул бозоридаги мувозанат. LM эгри чизиғи. Эгри чизиқнинг ётиқлиги. LM эгри чизиғининг тенгламаси. LM эгри чизиғининг горизонтал, кўтарилиб боровчи ва вертикал кесимларида мультипликатор самараси. Даромадлар, пулга талаб ва фоиз ставкаси. LM эгри чизиғининг алгебрик натижаси. LM эгри чизиғи силжишлари. IS-LM моделидаги мувозанат. Товар ва пул бозоридаги мувозанат.

Баҳолар даражаси пасайиши натижасида икки бозор тизимида мувозанатнинг ўзгариши. IS-LM моделида бюджет-солиқ сиёсати. Давлат харажатлари ва солиқ ставкаларининг ўзгартирилиши. Сиқиб чиқариш самараси. Сиқиб чиқариш самараси ва бюджет-солиқ сиёсати самарадорлиги. IS-LM моделида пул-кредит сиёсати. Пул-кредит сиёсати самарадорлиги. Ликвидлилик тузоғи. Инвестиция тузоғи. Баҳолар ўзгариши шароитида рағбатлантирувчи фискал ва пул-кредит сиёсати. Моделда қисқа муддатли ва узоқ муддатли мувозанат.

#### **Иқтисодий ўсишнинг умумий тавсифи ва неокейнсча моделлари.**

Иқтисодий ўсиш тушунчаси. Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғи. Ишлаб чиқаришнинг потенциал ҳажми динамикаси. Иқтисодий ўсишнинг ўлчаниши. Экстенсив ва интенсив иқтисодий ўсиш. Экстенсив ўсишнинг ресурс, технологик ва экологик чекловлари. Иқтисодий ўсишнинг талаб, тақсимот ва таклиф омиллари. Ишлаб чиқаришнинг физик омиллари. Меҳнат унумдорлигини оширувчи омиллар. Иқтисодий ўсиш моделларининг моҳияти ва аҳамияти. Иқтисодий ўсишнинг неокейнсча моделларининг ўзига хос хусусиятлари. Е.Домар модели. Инвестициялар – талаб омили. Акселератор принципи. Инвестициялар – таклиф омили. Талаб тенгламаси. Таклиф тенгламаси. Капитал унумдорлиги. Мультипликатор. Талаб ва таклиф мувозанати тенгламаси. Р.Харрод модели. Ишлаб чиқариш ва инвестиция ҳажмлари ўртасидаги боғлиқлик модели. Ҳақиқий, кафолатланган ва табиий ўсиш суръатлари. Тўлиқ бандлик шароитида барқарор ўсиш формуласи. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсиш суръатлари ва омиллари. Иқтисодий ўсишнинг янги манбалари ва омилларини аниқлаш ва жорий этиш услуги ва амалиёти.

#### **Иқтисодий ўсишнинг неоклассик моделлари.**

Неоклассиклар томонидан иқтисодий ўсишнинг кейнсча назарияси танқиди. Роберт Солоу модели, моделда ялпи таклиф функцияси. Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функцияси. Меҳнат ва капитал ҳажмлари ҳамда унумдорлиги. Моделда ялпи талабнинг ўсиши. Капитал жамғариш. Капиталнинг чиқиб кетиши. Меҳнатнинг капитал билан куролланганлиги даражаси. Жамғариш нормаси. Аҳоли сонининг ўсиши. Р.Солоу моделида техник тараққиёт ва капитал билан куролланганликнинг барқарор даражаси. Жамғариш нормаси ва Э.Фелпснинг “олтин қоида”си. Жамғариш нормасини ўзгартириш сиёсати. Техник тараққиётни рағбатлантириш. А.Льюиснинг иқтисодий ўсиш модели. Аграр ва саноат сектори. Меҳнат ресурсларини қишлоқ хўжалигидан саноатга қайта тақсимлаш. Моделнинг қўлланиши имкониятлари. Хиксинг техник тараққиёт модели. Нейтраль, меҳнат тежовчи ва капитал тежовчи техник тараққиёт.

#### **Халқаро савдо назарияси**

Халқаро савдонинг зарурлиги ва кўринишлари. Жаҳон иқтисодиётида халқаро савдо кўламларининг ортиб бориши. А.Смитнинг мутлақ устунлик назарияси. Мутлақ харажатлардаги фарқ. Ташқи савдодан ютуқ. Д.Рикардонинг нисбий устунлик назарияси. Турли товарларни ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги нисбат. Ишлаб чиқариш харажатлари ва ўрин алмаштириш харажатлари доимийлиги шартлари. Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиқлари. Тўлиқ ихтисослашиш. Ўрин алмаштириш харажатларининг ортиб бориши. Қисман ихтисослашишдан максимал манфаат кўриш. Хекшер-Олин назарияси. Ишлаб чиқаришнинг ортиқча ва тақчил омиллари. Мамлакатда ва ташқи давлатларда омиллар ўртасидаги нисбат даражаси. “Леонтъев парадокси (таажжуби)”. М Портер



назарияси. “Технологик узилиш” назарияси. Жаҳон бозорида талаб ва таклиф. Мувозанатли баҳо. Манфаатларнинг тақсимланиши.

### **Ташқи савдо сиёсати**

Макроиқтисодий жиҳатлар назарияси ва амалиёти миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва жаҳон иқтисодий тизимида интеграция моделлари самарадорлигини ошириш, товарлар ва хизматлар экспортини кенгайтириш. Ташқи савдо сиёсати: моҳияти ва мақсадлари, усуллари. Тариф ва истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларга таъсири. Давлат кўрган ютуқ. Миллий фаровонликнинг соф йўқотилиши. Таърифларни ёқловчи ҳамда уларга қарши фикрлар. Янги пайдо бўлган тармоқларни ҳимоя қилиш. Ички бандлилик ва давлат даромадларининг ўсиши. Демпингдан ҳимоя. Ресурсларни рақобатбардош бўлмаган соҳаларга йўналтириш. “Оптималь тариф” Ишлаб чиқарувчиларга субсидиялар. Тарифга нисбатан афзалликлари, камчиликлари ва қўллаш муаммолари. Экспортга божхона божлари: қўллашдан кутилган мақсадлар, аҳоли турмуш даражаси, ишлаб чиқарувчилар ва давлат манфаатларига таъсири. Экспортни «ихтиёрий» чеклаш: моҳияти ва қўлланишининг иқтисодий натижалари. Экспорт субсидиялари ва компенсацияловчи импорт божлари. Импорт квоталари. Квоталашнинг истеъмолчилар, ишлаб чиқарувчилар ва давлат манфаатларига таъсири. Импорт лицензияларини тақсимлаш услублари. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари. Белгиловчи шарт-шароитлар ва устуворликлар. Ташқи савдо динамикаси, товарларга кўра таркиби ва диверсификациялаш.

### **Тўлов баланси**

Тўлов баланси тушунчаси, макроиқтисодий роли, тузиш тамойиллари. Иқтисодий ҳудуд. Резидент. Икки бор ёзув. Кредит. Дебет. Операциялар баҳоси. Ташқи савдо баланси. Жорий операциялар баланси. Товарлар экспорти ва импорти. Омилдан олинган даромадлар. экспортга ва импортга ўхшаш операциялар. Соф жорий трансфертлар. Жорий операциялар баланси қолдиғи ва уни макроиқтисодий тартибга солиш. Капитал харакати ва молиявий операциялар баланси. Активларни сотиш ва сотиб олиш. Тўлов баланси таркибий қисмлари ўртасидаги алоқадорлик. Ички ва ташқи баланс. Тўлов баланси таҳлили. Тўлов баланси тақчиллиги. Тўлов балансини макроиқтисодий тартибга солиш. Марказий Банкнинг расмий валюта захиралари билан операциялари. Тўлов баланси инқирози ва ундан чиқиш. Алмашинув курсининг ўзгартирилиши.

### **Валюта курси**

Валюта бозори. Валюта айирбошлаш зарурати. Чет эл валютасига талаб. Чет эл валютасини таклиф этиш. Чет эл валютасига талаб ва уни таклиф этишнинг кичик мамлакат модели. Валюта бозорида мувозанатнинг кичик мамлакат модели. Валюта курси. Тўғри, билвосита ва тескари котировка. Қатъий, эгилувчан ва эркин валюта курслари. Валюта курси режимлари. Валютанинг қадрсизланиши ва қимматлашиши. Девальвация ва ревальвация. Номинал валюта курси. Реал ва реал самарали валюта курслари. Харид қобилияти паритети. Номинал ва реал валюта курсларининг узоқ муддатли динамикаси. Валюта курсига таъсир этувчи омиллар: фоиз ставкаларининг ўзгартирилиши, ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмлари, инфляция, ҳукумат сиёсати, савдо баланси, жорий операциялар баланси. Мувозанатли валюта курси. Макроиқтисодий сиёсатнинг мувозанатли валюта курсига таъсири.

### **Очиқ иқтисодиётда макроиқтисодий сиёсат.**

Макроиқтисодий бошқариш хусусиятлари ва мунтазамлик баҳоси амалиёти методи ва методологияси. Очиқ иқтисодиётда мувозанатли ишлаб чиқариш ҳажми. Очиқ иқтисодиётда ялпи ишлаб чиқариш ҳажми. Ички харажатлар ва савдо баланси. Соф экспорт. Ички харажатлар ва миллий ишлаб чиқариш ҳажми. Экспорт ва импортнинг миллий иқтисодиётга таъсири. Экспорт ва импорт ўртасидаги боғлиқлик. Соф экспорт ва мувозанатли ишлаб чиқариш ҳажми. Очиқ иқтисодиёт учун Кейнс хохи. Манделл-Флемингнинг очиқ иқтисодиёт модели. Очиқ иқтисодиётда пул-кредит сиёсати. Ёпиқ иқтисодиётда пул-кредит сиёсати. Қайд қилинган валюта курси ва капиталнинг юқори мобиллиги шароитида пул-кредит ва фискал сиёсат. Фискал сиёсатнинг самаралилиги. Девальвациянинг ишлаб чиқариш ҳажмига таъсири. Капиталнинг паст мобиллиги шароитида пул-кредит ва фискал сиёсат. Эркин сузиб юривчи валюта курси режимида иқтисодий сиёсат.

Макроиқтисодий хатар ва таҳдидларни аниқлаш ва башорат қилиш, мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, ички ва ташқи омилларнинг макроиқтисодий барқарорлик ва барқарорликка таъсирини таҳлил қилиш назарияси ва амалиёти. Миллий иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва соҳаларини (саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифати) макроиқтисодий тартибга солиш усуллари ва механизмлари, уларни мамлакат иқтисодий ўсиши билан ўзаро боғлиқлиги.

Иқтисодиёт реал секторининг ўсиши товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни таркибини такомиллаштириш ва диверсификациялаш, ресурсларни тежайдиган инновацион омилларни фаоллаштириш.

Макроиқтисодий тартибга солиш ва ижтимоий хавфсизликни таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш методологияси ва амалиётини такомиллаштириш. Макроиқтисодий сиёсатни амалга оширишда бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий эркинлаштириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

### **Тавсия этиладиган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабр. Тошкент.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони. Халқ сўзи газетаси. // 08.02.2017 й. №28 (6722).
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент.: «Ўзбекистон» 2020 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Тошкент.: «Адолат», 2018 й.
6. Ўзбекистон Республикаси. Қонунлар ва Фармонлар.–Тошкент. 1994. Б.236.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 28

апрелдаги ПК-4699-сон Қарори.Указ Президента РУз №УП-4947 от 07.02.2017г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

8.Указ Президента Ш.Мирзиёева «О мерах по глубокому реформированию системы дорожного хозяйства Республики Узбекистан» 9.12.2019 г., № УП-5890

9.Указ Президента Республики Узбекистан от 21.09 2018 г. №УП-5544 «Об инновационной стратегии развития Республики Узбекистан на 2019 - 2021 годы»

10.Мирзиёев Ш.М. Выступление на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан. - Народное слово, 9.09.2016 г. Электронный ресурс: <http://www.press-service.uz/ru/news/5325/> (Обращение от 15.09.2016)

11.Мирзиёев Ш.М. Последовательное продолжение демократических реформ, обеспечение в стране мира и спокойствия, создание достойных условий жизни для нашего народа – гарантия устойчивого развития. Доклад на VIII съезде Либерально-демократической партии Узбекистана. – Народное слово, 02.11.2016 г.

12.Мирзиёев Ш.М. Мы вместе построим свободное демократическое и процветающее государство. Выступление на торжественной церемонии вступления в должность Президента Республики Узбекистан на совместном заседании палат Олий Мажлиса. –16.12.2016 г.

13.Мирзиёев Ш.М. Обеспечение верховенства Закона и интересов человека-гарантия развития страны и благополучия народа. Доклад избранного президента РУз Ш.Мирзиёева на торжественном собрании, посвященное 24-й годовщине принятия Конституции РУз 7 декабря 2016 г.

14.Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халкимиз билан бирга курамиз. Выступление Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева на встрече посвященной 25-летию образования Республиканского интернационального культурного центра. 2017 г.

15.Мирзиёев Ш.М. Свободное, демократическое и процветающее государство Узбекистан мы построим вместе с нашим мужественным и благородным народом. Выступление на торжественной церемонии вступления в должность Президента Республики Узбекистан на совместном заседании палат Олий Мажлиса. – Народное слово, 16.12.2016 г.

16.Мирзиёев Ш.М. Критический анализ, жесткая дисциплина и персональная ответственность должны стать повседневной нормой в деятельности каждого руководителя. Доклад на расширенном заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2016 г. и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2017 г. – Правда Востока, 16.01.2017 г.

17. О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с принятием основных направлений налоговой и бюджетной политики на 2017 год. Закон РУз от 27.12.2016 г. N ЗРУ-417.

18. О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с принятием дополнительных мер по обеспечению

ускоренного развития предпринимательской деятельности, всемерной защите частной собственности и качественному улучшению делового климата. Закон Республики Узбекистан от 29.12.2016 г. N ЗРУ-418.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси кишлок хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. <http://lex.uz/docs/4567334>

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4700-сон “Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, кишлок хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. <https://lex.uz/docs/4803523>

21. О мерах по коренному совершенствованию налогового администрирования, повышению собираемости налогов и других обязательных платежей от 18 июля 2017 г.

22. О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г.

23. О мерах по расширению полномочий органов государственной власти на местах в формировании местных бюджетов от 7.06.2017 г.

24. О создании Фонда целевого финансирования государственных закупок сельскохозяйственной продукции и оснащения техникой сельского хозяйства при Кабинете Министров Республики Узбекистан от 27.06.2017 г.

25. О первоочередных мерах по либерализации валютной политики от 2.09.2017.

26. Концепция административной реформы в Республике Узбекистан. Приложение №1 к Указу Президента Республики Узбекистан от 8.09.2017 г.

27. О внесении изменений и дополнения, а также признании утратившими силу некоторых Указов Президента Республики Узбекистан в связи с принятием основных направлений налоговой и бюджетной политики на 2017 год. УП -4993 от 18.03 2017г.

28. О мерах по совершенствованию системы управления в сфере внешней торговли. УП-5012 от 3.04.2017г.

29. О мерах по кардинальному улучшению инвестиционного климата в РУз. УП 5495 от 01.08.2018г.

30. О государственной программе реализации действий по пяти приоритетным направлениям. УП-5308 от 22.01.2018г.

31. О концепции совершенствования налоговой политики РУз. УП -5468 от 29.06.2018г.

32. Носова С.С. Макроэкономика в вопросах и ответах: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2012. – 224 с.

33. Абакумова О.Г. Макроэкономика: Конспект лекций. – М.: А – Приор, 2012. – 155 стр.

34. Джумаев З.А. “Макроиктисодиёт” фанидан Ўқув-услугубий мажмуа.-Тошкент: Иқтисодиёт. 2012 й. – 598 б.

35. Вечканов С.В., Вечканова Г.Р. Макроэкономика. Краткий курс.: учебное пособие. СПб.: Питер, 2010. -288 с.

36. Марыганова Е.А., Шапиро С.А. Макроэкономика. Экспресс курс.: учебное пособие. М.: КНОРУС, 2010. -302 с.

37. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика; Учебник для вузов. СПб.: Питер, 2009. -350 с.
38. Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики. СПб.: Питер, 2009. -544 с.
39. Самуэльсон, Пол Э., Нордхаус, Вильям Д. Макроэкономика. М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2009. -592 с.
40. А.Г.Грязневой и Н.Н. Думной. Макроэкономика. Теория и российская практика: учебник. М.: КНОРУС, 2008. -688 с.
41. Абель Э., Бернанке Б. Макроэкономика. СПб.: Питер, 2008. -768 с.
42. Киселёва Е.А. Макроэкономика: Курс лекций. М: Изд-во Эксмо, 2007. -352 с.
43. Тарсевиц Л.С., Гребников П.И., Лусский А.И. Макроэкономика: Учебник. М.: Высшее образование», 2006. -654 с.
44. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. Учебник. М.: «Дело и Сервис», 2005. -464 с.
45. Чепель С.В. Институциональные макроэкономические и другие предпосылки активации факторов инновационного развития в Узбекистане.
46. Тростянский Д.М., Исламова О.А. Формирование инновационной инфраструктуры в индустриальном комплексе Узбекистана/ Вестник УГНТУ. Наука, образование, Экономика. Серия: Экономика №3 (9), 2014.